

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМий  
КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХМОНОВ УБАЙДИЛЛО НОРМАМАДОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА *PLEUROTUS OSTREATUS* (Jacq.: Fr.)  
Kumm. НИ ЕТИШТИРИШ ВА УНИ ЗАРАРКУНАНДА ҲАМДА  
КАСАЛЛИКЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

**06.01.06 - Сабзавотчилик  
06.01.09 - Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural  
sciences**

**Рахмонов Убайдилло Нормаматович**

Ўзбекистон шароитида *Pleurotus ostreatus* (Jacq.: Fr.) Kumm. ни етиштириш  
ва уни зараркунанда ҳамда касалликлардан ҳимоя қилиш.....3

**Рахмонов Убайдилло Нормаматович**

Культивирование *Pleurotus ostreatus* (Jacq.: Fr.) Kumm. и его защита  
от вредителей и болезней в условиях Узбекистана .....21

**Rakhmonov Ubaydillo Normamadovich**

Cultivation of *Pleurotus ostreatus* (Jacq.: Fr.) Kumm., and control its diseases  
and insect pests in the conditions of Uzbekistan..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications.....43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХМОНОВ УБАЙДИЛЛО НОРМАМАДОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА *PLEUROTUS OSTREATUS* (Jacq.: Fr.)  
Kumm. НИ ЕТИШТИРИШ ВА УНИ ЗАРАРКУНАНДА ҲАМДА  
КАСАЛЛИКЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

**06.01.06 - Сабзавотчилик  
06.01.09 - Ўсимликларни ҳимоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Qx184 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Гулмуродов Рисқибой Абдиевич</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Бўриев Ҳасан Чутбаевич</b> биология фанлари доктори, профессор
	<b>Исомиддинов Илхом Тўлаевич</b> қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2018 «19» июнь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (535258 рақами билан рўйхатга олинган) Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2018 йил «5» \_июнда тарқатилди.  
(2018 йил «19» майдаги 22.1-рақамли реестр баённомаси)

**Б.А.Сулаймонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

**Я.Х.Юлдашов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н., доцент

**М.М.Адилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ер юзи аҳолиси сонининг ошиб бориши озиқ-овқат маҳсулотларига ва хомашёларга бўлган талаб янада кўпайишига олиб келмоқда. Шу сабабли атроф муҳитга салбий таъсир қилмайдиган муқобил технологияларни излаб топиш зарурати бугунги кунда долзарб муаммога айланмоқда. Бундай ишлаб чиқаришларидан бири кўзиқоринларни қишлоқ хўжалик экинларининг чиқиндиларида етиштириш ҳисобланади.

Ривожланган хорижий давлатларда кўзиқоринчилик қишлоқ хўжалигининг алоҳида бир тармоғи сифатида ажралиб чиққан. Жаҳон бўйича ноанъанавий сабзавот экинлари ҳисобланган кўзиқоринларнинг 20 турга яқини саноат асосида интенсив равишда сунъий усулда кўпайтирилиб, улар дунё бўйича ҳар йили 30 млн тоннадан ортиқ, етиштирилади. Булар орасида интенсив равишда етиштириладиган *Pleurotus ostreatus* - чиғаноқ кўзиқоринининг миқдори 6 млн тоннани ташкил этади<sup>1</sup>. Бугунги кунда етакчи илмий марказларда кўзиқоринларни етиштириш бўйича замонавий технологияларни ишлаб чиқиш ва янги штаммларни яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Аҳоли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш ва сабзавот маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси» да қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш; мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларини ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш белгилаб берилган. Шу сабабли *P. ostreatus* биологиясини ўрганиш ҳамда ҳимояланган жой ноанъанавий сабзавотчилиги учун истиқболли замбуруғ штаммларини ажратиш, маҳаллий шароитга мос етиштириш технологиясини яратиш, зараркунанда ва касалликларини аниқлаш ҳамда уларга қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш орқали мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида» ги Фармони<sup>2</sup> ҳамда мазкур фаолиятга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** *Pleurotus ostreatus* нинг морфологиясини, биологиясини ўрганиш ва уни етиштириш бўйича Хитой, АҚШ,

<sup>1</sup>Wuet al. Analysis on Chinese edible fungus production area layout of nearly five years. *Edible Fungi China*, 2013, №1

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармони

Голландия, Польша, Испания, Франция, Италия, Канада, Япония, Германия, Россия каби мамлакатлардаги бир қатор олимлар: G.Eger, P.Gyurko, L.Heltay, P.Kalberer, S.F.Li, A.Pilat, R.Singer, F.Zadrazil, Н.А.Бисько, Л.В.Гарибова, И.А.Дудка, П.А.Сычев илмий изланишлар олиб борганлар. Илмий адабиётлардаги маълумотларга қараганда хорижий давлатларда *Pleurotus ostreatus* ни етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикасида бу замбуруғ турининг табиатдан олинган намуналарига тавсиф берилган ва М.М.Халикованинг диссертацияси авторефератида ишлаб чиқаришга оид айрим фикрлар қисқа сатрларда айтиб ўтилган. Бу борада республика миқёсида фақат *Pleurotus ostreatus* бўйича эмас, балки бошқа кўзқоринларни етиштириш бўйича ҳам махсус илмий тадқиқотлар ўтказилмаганлиги аниқланган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети Фитопатология ва агробиотехнология кафедрасининг илмий тадқиқот-ишлари режасига №2.7-рақами билан киритилган ва “Қишлоқ хўжалик экинларини зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишнинг атроф-муҳитга хавфсиз экологик соф услубларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** *Pleurotus ostreatus* ни қишлоқ хўжалик ва саноат ишлаб чиқариш чиқиндиларида етиштиришнинг маҳаллий шароитга мос технологик элементларини излаб топиш ҳамда зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қиладиган комплекс тизимини назарий асослашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

табиатда тарқалган *Pleurotus ostreatus* нинг ишлаб чиқариш талабларига мос маҳаллий штаммларини ажратиб олиш;

*Pleurotus ostreatus* нинг уруғлик мицелийсини етиштириш ва уни етиштиришнинг микробиологик назорат тизимини ишлаб чиқиш;

*Pleurotus ostreatus* нинг штаммларини етиштиришда унга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, субстратга ишлов бериш усулларининг чиғаноқ кўзқоринининг микосанитар ҳолатига таъсирини аниқлаш;

*Pleurotus ostreatus* нинг кенг тарқалган зараркунанда ва касалликларини аниқлаш ҳамда етиштириш даврида уларнинг ривожланишни аниқлаш;

*Pleurotus ostreatus* ни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишнинг комплекс тадбирларини (тавсияларни) ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида *Pleurotus ostreatus* замбуруғи, сунъий озуқа муҳитлари, маҳаллий қишлоқ хўжалик ва саноат чиқиндилари, фунгицидлар – Фундазол, 500 г/кг н.кук., Споргон, 500 г/кг, н.кук. ҳамда инсектицид – Димелин, 25 % н.кук. каби турлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида *Pleurotus ostreatus* нинг четдан келтирилган ва маҳаллий штаммларининг уруғлик мицелийси ҳамда мева таналарини етиштириш учун озуқа муҳити, чиғаноқ кўзқоринини етиштиришда зарар келтирадиган касаллик ва зараркунандалар турлари,

уларнинг учраши, зарарлаш даражаси, уларга қарши қўлланиладиган усуллар ва қўзиқорин ҳосилдорлиги ошишига хизмат қиладиган омиллар олинган.

**Тадқиқотнинг услублари.** *Pleurotus ostreatus* нинг морфологик ва биологик хусусиятларини, интенсив усулда етиштиришни ва касалликларини ўрганишда М.А.Бисько ва И.А.Дудкалар келтирган усуллардан фойдаланилган. *Pleurotus ostreatus* нинг зараркунанда ҳашаротларини ўрганиш «Методы почвенно-зоологических исследований», микромицетларни ажратиб олиш ва аниқлашда М.А.Литвинов, В.И.Билай, Н.М.Пидопличко, Н.Д.Нугаевалар, қўзиқорин чивинларининг имаголари ва личинкаларининг чиғаноқ қўзиқорини етиштириш камерасидаги ҳисоби Г.А.Бегляров и др., Э.Ф.Козарчевская, Е.А. Дунаевларнинг усуллари асосида олиб борилган. Маълумотларнинг статистик таҳлили Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» усули бўйича ўтказилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор ноанъанавий сабзавот тури *Pleurotus ostreatus*ни етиштириш учун маҳаллий шароитга мос, самарали №12 штамми ажратиб олинган ва ажратилган маҳаллий штаммга ташқи муҳитнинг турли омилларининг таъсири аниқланган;

*Pleurotus ostreatus* нинг уруғлик мицелийсини етиштириш учун ғўза чигити шелухасини ишлатиш самараси аниқланган;

маҳаллий қишлоқ хўжалик чиқиндиларидан ғўза чаноғи чиғаноқ қўзиқоринини етиштириш учун яроқлилиги асосланган;

маҳаллий чиқинди хом-ашёларида *Pleurotus ostreatus* ни интенсив усулда етиштириш технологияси ишлаб чиқилган;

чиғаноқ қўзиқорини (*Pleurotus ostreatus*) уруғлик мицелийси ифлосланишига сабаб бўладиган микроорганизм турлари аниқланиб, уларни микробиологик назорат қилиш усули ишлаб чиқилган;

чиғаноқ қўзиқорини етиштириш даврида унинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир қиладиган касаллик ва зараркунандаларнинг тур таркиби аниқланиб, унинг мева таналарини етиштиришда зарар келтирадиган касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш чоралари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.**

*Pleurotus ostreatus* ни етиштиришда маҳаллий шароит учун тавсия қилинган штаммнинг ўсиши, ривожланиши ва тегишли ҳосилини олиш учун зарур бўлган шароитлар аниқланган;

қўзиқорин уруғлик мицелийсини ғўза чигити шелухасида кўпайтириш ҳамда *Pleurotus ostreatus* мева таналарини арзон ва топилиши осон қишлоқ хўжалик чиқиндиси бўлган ғўза чаноғида етиштириш технологияси ишлаб чиқилган;

*Pleurotus ostreatus* ни етиштириш давомида учрайдиган касаллик ва зараркунандалар тур таркиби ҳамда уларга қарши янги, замонавий фунгицид ҳамда инсектицидларнинг биологик ва иқтисодий самарадорлиги аниқланган. Тажриба натижалари асосида Фундазол, 50% н.кук., Споргон, 500 г/кг, н.кук. фунгицидлари ва Димилин, 25% нам.к. инсектициди қўллаш учун тавсия қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертацияда республика-миз ва хорижда ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари таҳлил қилинганлиги, ўтказилган тажрибаларда республика-миз ва хориж мамлакатларида чиғаноқ қўзиқоринини етиштириш технологияси бўйича синалган, кенг тарқалган, апробациядан ўтган услублар қўлланилиши, олинган маълумотлар статистик таҳлил қилинганлиги, натижалар асосланганлиги, тадқиқотлар натижалари ишлаб чиқариш синовидан ўтказилганлиги, тажрибалар ҳар йили университет олимлари томонидан апробациядан ўтказилганлиги, тадқиқот натижалари республика ва халқаро илмий анжуманларида муҳокама қилинганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги унинг ишончлилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *Pleurotus ostreatus* нинг штаммлари орасидан самарали №12 штамми ажратилганлиги, уруғлик мицелийсини етиштириш учун ғўза чигити шелухаси тавсия қилинганлиги, ноанъанавий сабзавот тури чиғаноқ қўзиқоринининг мева таналарини етиштириш учун ғўза чигити шелухаси ва ғўза чаноғи танлаб олинганлиги, *Pleurotus ostreatus* уруғлик мицелийсини тайёрлаш ва мева таналарини етиштириш даврида учрайдиган касаллик ва зараркунандалар тур таркиби аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса ёпиқ иншоотларда ноанъанавий сабзавот тури чиғаноқ қўзиқоринини ғўза чигити шелухаси ва ғўза чаноғида етиштириш самарадорлиги ҳамда бу қўзиқорин турини етиштириш даврида учрайдиган касаллик ва зараркунандаларига қарши кураш чоралари сифатида қўлланилган фунгицид ва инсектицидларнинг биологик самарадорлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** *Pleurotus ostreatus* қўзиқоринини сунъий етиштириш ва уни зарарли организмлардан ҳимоя қилиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

*Pleurotus ostreatus* уруғлик мицелийсини ғўза чигити шелухасида кўпайтириш ва чиғаноқ қўзиқоринини интенсив усулда ғўза чаноғида етиштириш технологияси Тошкент вилояти Ўртачирчик тумани “FRESH-ROZE” МЧЖ, Тошкент вилояти Бўка тумани “Бўка олтин куз” деҳқон хўжалигида, Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги “Гулистон инвест” МЧЖ фермер хўжалигида, Тошкент давлат аграр университети қошидаги “Фунги” марказида, ҳар бирида майдони 200-460 м<sup>2</sup> бўлган ҳимояланган ёпиқ маҳсус иншоотларда жорий қилинган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 15 майдаги 02/029-38-сон маълумотномаси). Натижада етиштириш камераларидаги чиғаноқ қўзиқоринидан назорат вариантыга нисбатан ҳар 100 кг субстратдан ўртача 11,5-11,8 кг ҳосилни сақлаб қолишга эришилган.

Тошкент вилояти хўжаликларида чиғаноқ қўзиқорини етиштириш камераларида аниқланган зараркунандаларга қарши Димилин, 25% н.кук. инсектициди, ҳамда Фундазол, 500% н.кук. ва Споргон, 500 г/кг, н.кук. фунгицидларини қўллаш жорий этилган («Ўзагрокимёҳимоя» акционерлик жамиятининг 2018 йил 18 майдаги 02-13/982-сон маълумотномаси). Натижада

чиғаноқ кўзқоринининг ҳосилдорлиги 100 кг субстратдан ўртача 11,8 кг ҳосил сақлаб қолишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тажрибалар натижалари 7 та, жумладан 1 та халқаро ва 6 та Республика илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтди ва университет олимлари томонидан апробациядан ўтказилди ҳамда ижобий баҳоланди.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси юзасидан жами 6 та илмий мақола чоп этилди, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилди.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ва объекти ҳамда предметлари тавсифланган. Ўзбекистон республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тажриба натижалари амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **“Адабиётлар шарҳи”** бобида келтирилган мавзу бўйича халқаро ва маҳаллий адабиётлар шарҳи ҳамда муаммоларнинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, *Pleurotus ostreatus* (Jacq.: Fr.) Kumm. турининг систематик ўрни, уни интенсив усулда етиштириш, уруғлик мицелийсини олиш, ўстирилган субстрат таркиби ва уни тайёрлаш, кўзқорин мева танасини ҳосил қилишга турли омилларнинг таъсири, уни рақобатчи бегона микроорганизмлардан ҳамда касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш бўйича ўтказилган илмий-тадқиқот натижалари таҳлил қилинган ҳамда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот жойи, манбалари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жой, материал ва усуллар бўйича маълумотлар берилган. Лаборатория, кичик вегетацион ва ишлаб чиқариш тажрибалари ТошДАУ нинг “Фунги” марказида, Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани “Fresh-Roze” МЧЖ, Тошкент вилояти Бўка туманидаги “Бўка олтин куз” деҳқон хўжалиги, Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги “Гулистон инвест” МЧЖ ларда ўтказилган.

Лаборатория ва ярим ишлаб чиқариш шароитидаги тадқиқотлар микологияда қабул қилинган усуллар ёрдамида ўтказилди. *Pleurotus ostreatus* ни моноспора ҳолида соф культурасини ажратиб олиш И.А.Дудка ва бошқалар (1976) усуллари ёрдамида амалга оширилган. Унинг турини аниқлашда Н.А. Бисько ва И.А. Дудка (1987) қўлланмасидаги аниқлагичдан фойдаланилган.

*Pleurotus ostreatus* спораларига УБ нурини таъсир эттиришда М. Semerdzieva, М. Blumaerova (1973) усулидан қўлланилган. Қўзиқоринни интенсив етиштиришда Н.А. Бисько ва И.А. Дудка (1987), субстратнинг самарадорлигини аниқлашда А.И.Морозов (2000), субстрат таркибидаги целлюлоза парчаланишини ўрганишда Н.Г.Базарнова (2002) усулларидан фойдаланилган. Микробиологик ва микрофауна намуналари ҳар бир ишлатилган субстрат учун намлангандан сўнг олинган. Субстрат ва уруғлик учун ишлатиладиган хомашё намуналари микробиологияда ва микологияда қабул қилинган экиш усуллари асосида текширувдан ўтказилган. Микроорганизмлар турини аниқлашда М.А.Литвинов (1967) аниқлагичидан фойдаланилган.

Микрофаунани текширишда тупроқ зоологиясида қабул қилинган усуллардан фойдаланилган. *Pleurotus ostreatus* штаммларининг зараркунандаларга чидамлилиги, уларнинг тарқалиши ва зарари табиий фонда Г.А.Беглярова, Н.А.Попова (1989) усуллари кўллаган ҳолда амалга оширилган. Личинкаларнинг ривож ва имаголарининг учиб чиқиши 30 кун давомида кузатилган. Препаратларнинг зараркунандаларга таъсири табиий фонда амалга оширилган.

Зараркунанда ва касалликларга қарши ишлатилган инсектицид ва фунгицидларнинг биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги «Методические указания по испытанию инсектицидов, акарицидов и моллюскоцидов в растениеводстве» (1986) ва «Методические рекомендации по испытанию химических веществ на фунгицидную активность» (1989) услубий кўрсатмаларида келтирилган усуллар асосида ҳисоблаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг вариацион статистик таҳлили Б.А.Доспехов (1985) усуллари асосида ўтказилган.

Диссертациянинг **“Ноанъанавий сабзавот тури - *Pleurotus ostreatus* нинг маҳаллий штаммларини ажратиш ва улар орасидан самаралиларини танлаб олиш”** деб номланган учинчи бобида Тошкент вилоятининг Қибрай, Тошкент, Зангиота, Янгийўл, Паркент, Бўстонлик туманлари худудида ва Тошкент шаҳрининг истироҳат боғларида *Pleurotus ostreatus* нинг тарқалиши ва бу қўзиқорин ажратиб олинган дарахт турлари тўғрисида маълумотлар берилган.

*Pleurotus ostreatus* нинг мева танаси Тошкент вилояти ва шаҳри шароитида асосан ноябрь-декабрь ойларида, қиш юмшоқ ва баҳор серёғин, ҳарорат паст келган йилларда эса апрель ойигача ҳосил бўлиши кузатилган.

Тошкент давлат аграр университети “Фитопатология ва агробиотехнология” кафедрасининг лабораториясида *Pleurotus ostreatus* нинг йиғилган намуналаридан соф культура олиш бўйича тадқиқот ишлари амалга оширилган. Бунинг учун, қўзиқоринни ўстиришда агарли пиво суслоси, Чапек ва агарли картошка озука муҳитларидан фойдаланиб, соф культуралар ажратиб олинган.

Ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган маҳаллий штаммларни олиш учун йиғилган *Pleurotus ostreatus* нинг намуналаридан фойдаланилган.

*Pleurotus ostreatus* нинг соф культураларидан ишлаб чиқариш талабларига мос келадиган штаммларни олишда уларга ультрабинафша (УБ) нуруни таъсир эттириб, улар орасидан маҳаллий шароитга мос 12 штамми ажратиб олинган, улардан энг тез ўсадиган учта штаммнинг ҳосилдорлиги ҳақида маълумот куйида келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

***Pleurotus ostreatus* нинг ажратиб олинган маҳаллий штаммларининг ҳосилдорлиги**

№	Штаммлар	Субстрат солинган қопчаларнинг оғирлиги, кг	Вариантларнинг қайтарилиши, олинган ҳосил, кг				Ўртача ҳосилдорлик, кг
			1	2	3	4	
1	8	2,0	0,95	0,88	1,12	1,05	1,00
2	12	2,0	1,21	1,36	1,32	1,17	1,54
3	21	2,0	1,2	1,03	1,1	1,11	1,35

Диссертациянинг “*Pleurotus ostreatus* ни ҳимояланган жойларда интенсив усулда етиштириш” деб номланган тўртинчи бобида шу кўзикоринни етиштиришда ва уруғлик мицелий олиш учун турли хил қишлоқ хўжалик чиқиндиларини синаш ҳамда улар орасидан энг самаралисини танлаб олиш ва унинг сифатига бегона микроорганизмлар инфекциясининг таъсирини ўрганиш бўйича тажриба натижалари баён этилган. Кўзикорин етиштиришда буғдой донида ўстирилган уруғлик мицелийси ишлатилади. Дон асосий озик-овқат маҳсулоти ҳисобланади. Шу сабабдан *Pleurotus ostreatus* кўзикорини таркибида целлюлоза ва лигнин моддаси бўлган хомашёларда яхши ўсиши ҳамда ривожланишини ҳисобга олиб, унинг уруғлик мицелийсини тайёрлашда қишлоқ хўжалик чиқиндиларидан фойдаланган ҳолда тажрибалар амалга оширилган. Тажриба натижаларидан келиб чиқиб, *Pleurotus ostreatus* нинг уруғлик мицелийсини етиштириш учун таркибида 80% ғўза чигити шелухаси, 20% буғдой кепаги бўлган субстрат танлаб олинган.

Уруғлик мицелийни тайёрлашнинг ҳар бир босқичида микробиологик назоратни тўғри амалга ошириш жуда муҳим ҳисобланади. Адабиёт манбаалардан маълумки, инфекция оммавий тарқалиши туфайли 50% гача уруғлик мицелий йўқотилиши мумкин. Уруғлик мицелий тайёрлашда рақобатчи микроорганизмлар таъсирининг даражаларини билиш учун илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

Уруғлик мицелий етиштиришда кўпроқ *T.viride*, *A.niger*, *A.flavus*, *S.radicinum*, *C.herbarum*, *P.hirsutum* замбуруғ турлари қайд этилди. *Pleurotus ostreatus* нинг мицелийси ўсишини *T.viride*, *A.niger*, *A.flavus*, *A.fumigatus*, *C.herbarum*, *T.roseum* замбуруғ турлари тўхтатган (2-жадвал).

Уруғлик мицелий замбуруғ билан ифлосланиш йўллари аниқлаш мақсадида камералардаги ҳавонинг микрофлораси ўрганилган. Камералардаги ҳаводан асосан *Trichoderma*, *Aspergillus*, *Penicillium*, *Mucor*, *Alternaria* туркумларига кирувчи замбуруғ турлари ажратиб олинган. Ушбу замбуруғ

***Pleurotus ostreatus* нинг уруғлик мицелийси бегона микроорганизмлар билан ифлосланиши**

Микроорганизм турлари	Текширилган намуналарда учраши, %
<i>Alternaria alternate</i> (Fr.) Keissler	2,7
<i>Aspergillus fumigatus</i> Fr.	5,1
<i>A.flavus</i> Lk	10,3
<i>A.niger</i> V. Tiegh.	14,3
<i>A.terreus</i> Thom.	3,4
<i>Cladosporium herbarum</i> (Pers.) Lk. ex Fr.	7,9
<i>Mucor mucedo</i> (L.)Fr.	2,7
<i>Penicillium hirsutum</i> Bain.	7,4
<i>Rhizopus nigricans</i> Ehr.	1,2
<i>Trichothecium roseum</i> Lk.	3,5
<i>Trichoderma viride</i> Pers.	30,1
<i>Stemphylium radicinum</i> (M.D.et R.) Neerg.	8,3
<i>Bacillus</i> sp.	3,1
<b>Жами:</b>	100

турлари тахлил қилинганида, уларнинг таркиби уруғлик мицелийдан ажратилган турлар билан бир хил бўлиб, кўпроқ *T. viride*, *A. flavus*, *A. niger*, *P.hirsutum*, *C. herbarum* турларига мансубэканлиги маълум бўлган. Шунинг учун хоналарни дезинфекция қилишда водород пероксиди ишлатилган.

Водород пероксид билан дезинфекция қилинганида уларнинг ҳавосида микроорганизмлар сони камайиши кузатилган (3-жадвал).

Дезинфекция қилиш учун ишлатилган водород пероксиднинг 2%, 4%, 6% концентрацияларидан энг самаралиси 6% лиги эканлиги аниқланган.

*Pleurotus ostreatus* ни етиштириш учун субстрат сифатида ғўзапоя, ғўза чигити шелухаси, ғўза чаноғи, шоли донининг қипиғи ҳамда буғдой сомони танлаб олинган. Танлаб олинган субстратлар 24 соат давомида махсус контейнерлардаги сувда ивитилган.

Целлофан қопчаларга солинган субстрат махсус электр токи ёрдамида иситиладиган, сифими 500-1000 л бўлган металл контейнерларга жойлаштирилган ва 100°C ҳароратда 12 соат ушлаб турилган. Гидротермик ишлов берилган целлофан қопчалар контейнерлардан чиқариб олинган ва субстрат 25-30°C ҳароратгача совитилган. Совитилган субстратнинг рН реакцияси 6,4-6,7 ва намлиги 65-68% бўлганлиги аниқланган.

Совитилган целлофан қопчаларнинг ҳар бирига 100 г сарф меъёрида уруғлик мицелий экилган. Мицелий экилган биринчи ҳафтада целлофан қопчалар қизиб кетишининг олдини олиш учун хоналар ҳарорати 18-20°C да бўлиши таъминлаб борилган. Кейинги ҳафтадан бошлаб хона ҳарорати 24-25°C да ва намлик 80-85% га тенг қилиб, ушлаб турилган. 15-22 кунда целлофан қопчаларнинг ҳаммаси деярли мицелий билан тўлиқ қопланган.

Кўзиқорин мицелийси турли муддатларда субстратларни тўлиқ эгаллаши кузатилган. Ғўза чигити шелухаси ва ғўза чаноғидан иборат субстратларни замбуруғ мицелийси 15 кун давомида тўлиқ қоплаган, шоли дони қипиғидан

### 3-жадвал

#### Уруғлик мицелийси етиштириладиган хоналарни водород пероксид билан дезинфекция қилишни ҳаводаги микроорганизмлар сонига таъсири

№	Водород пероксиднинг концентрацияси, %	Ҳаво таркибида микроорганизмлар назоратга нисбатан учраши, %			Уруғлик мицелийси зарарланганлиги, %
		боксда	инкубацион хонада	йўлакда	
1	2	66,7	62,5	57,1	18,7
2	4	33,3	25,0	21,4	9,6
3	6	-	12,5	7,4	7,2
4	Дезинфекция қилинмаган жойдаги хаводан олинган намуналарда учраши, % (назорат)	3	8	14	19,6

иборат субстратда эса бу жараён кечиши учун 26 кун керак бўлган. Қолган, яъни ғўзапоя ва буғдой сомонидан иборат субстратларни замбуруғ мицелийси тўлиқ эгаллаши учун 9 кун кетган.

Мицелий билан тўлиқ қопланган, оқарган целлофан қопчалар ҳосил етиштириладиган хонага киритилган.

Мева таналарни ҳосил қилиш даврида камера ҳавосининг ҳарорати 15-17°C, намлиги 85-90%, ёруғлиги 200-250 люкс бўлган. Карбонат ангидрид газини чиқариб юбориш мақсадида камера сутка давомида 30-40 дақиқа шамоллатиб турилган.


Ҳосилдорлигига қараб энг юқори кўрсаткич, ғўза чигитининг шелухаси ишлатилган вариантда кузатилган ва унинг ҳосили куруқ субстратга нисбатан 74,5% ни ташкил этган. Ҳосилдорлиги бўйича кейинги ўринларни ғўза чаноғи (70,0%) ва ғўза пояси (67,5%) эгаллаган. Буғдой сомонидан (30,0%) иборат субстратда *Pleurotus ostreatus* нинг ҳосили паст бўлган. Шоли дони қипиғидан иборат субстратдан ҳосил олинмаган (4-жадвал, 1-расм).

### 4-жадвал

#### Бир компонентли турли субстратларда ўстирилган *Pleurotus ostreatus* нинг ўртача ҳосилдорлиги\*

№	Субстрат таркиби	Уч марта ҳосил йиғиш учун кетган кун	Тажриба вариантларининг қайтарилиши, олинган ҳосил, кг				Ўртача ҳосилдорлик, кг	Куруқ субстратга нисбатан ҳосил, %
			1	2	3	4		
1	Буғдой сомони	49	0,74	0,55	0,65	0,46	0,60	30,0
2	Шоли дони қипиғи	-	-	-	-	-	-	-
3	Ғўза чаноғи	51	1,44	1,37	1,23	1,56	1,40	70,0
4	Ғўза пояси	54	1,30	1,32	1,40	1,38	1,35	67,5
5	Ғўза чигити шелухаси	48	1,51	1,47	1,46	1,52	1,49	74,5

\*Субстрат солинган қопчаларнинг куруқ ҳолдаги оғирлиги - 2 кг



**1-расм. Бир компонентли турли субстратларда ўстирилган *Pleurotus ostreatus* нинг қуруқ субстратга нисбатан ўртача ҳосилдорлиги**

Ғўза чигити шелухасида *Pleurotus ostreatus* нинг ҳосили энг кўп олингани билан бу хомашё топилиши анча қийинлиги сабабли, арзон ва деярли пахта етиштириладиган барча худудларида мавжуд бўлган ғўза чаноғи билан кейинги тажрибалар давом этирилган (5-жадвал).

*Pleurotus ostreatus* ҳосил бериши динамикаси, олинадиган умумий ҳосилнинг 72-76% и 1-, 2-, ва 3-ҳосил йиғиш даврига тўғри келиши аниқланган. Олдинги тажрибаларимизда бир компонентли субстратлардан фойдаланилган.

Кейинги тадқиқотлар чиғаноқ кўзикаоринини етиштиришда танлаб олинган субстратларнинг озуқа таркибини бойитиб, уни *Pleurotus ostreatus* ни бир компонентли субстратларда етиштириш даврида яхши кўрсаткичларни намоён қилган ғўза чигитининг шелухаси кўп компонентли субстратларда ҳам ғўза чаноғи ва ғўза поясига нисбатан яхши кўрсаткичларни намоён қилган.

**5-жадвал**

**Ғўза чаноғи асосидаги субстратда етиштирилган *Pleurotus ostreatus* нинг штаммларини мева таналар ҳосил қилиш динамикаси**

Штаммлар	Ҳафталар бўйича ҳосилдорлик, 100 кг қуруқ субстратдан, кг				Жами олинган ҳосил (ўртача 100 кг субстратдан), кг
	1-2	3-4	5-6	7-8	
P77	35,9	21,5	12,5	10,9	80,8
HK35	44,2	29,1	7,9	3,2	84,4
12	40,1	22,9	10,4	8,2	81,6

Бунда субстрат таркибида ғўза чигити шелухаси (90%) ва буғдой кепаги (10%) бўлган, таркибидаги қуруқ субстрат миқдори 2 кг ни ташкил этган

целлофан қопчанинг ҳосилдорлиги 1,65 кг, ғўза чигити шелухаси (90%), буғдой кепаги (5%) ва буғдой дони (5%) бўлган вариантда эса ҳосилдорлик 1,57 кг бўлган. Худди шундай ҳолатда ғўза чаноғи (90%) ва буғдой кепаги (10%) бўлган субстратнинг битта қопчасидан олинган ҳосил 1,55 кг, ва ғўза чаноғи (90%), буғдой кепаги (5%) ва буғдой дони (5%) муҳитидан олинган ҳосил эса 1,48 кг га етганлиги кузатилган. Тажрибалар натижасида маҳаллий шароитда *Pleurotus ostreatus* ни етиштиришда субстрат асосининг 90% ни ғўза чаноғи ёки ғўза чигити шелухаси, кўшимча сифатида эса 10% буғдой дони кепаги ташкил қилган субстратларни ишлатиш энг қулай ва самарали эканлиги аниқланган.

Диссертациянинг **“*Pleurotus ostreatus* ни ёпиқ иншоотларда етиштиришда учрайдиган бегона микроорганизмлар, касалликлар ва зараркунандалар ҳамда улардан ҳимоя қилиш”** деб номланган бешинчи бобида кўзикоринни етиштириш даврида учраган бегона микроорганизмлар, зараркунанда ҳашаротлар ва касалликларнинг тарқалиши, келтирадиган зарари ҳамда уларга қарши амалга ошириладиган тадбирлар бўйича маълумотлар берилган.

*Pleurotus ostreatus* ни узоқ муддат давомида айнаи бир жойда етиштириш шу ерда зарарли организмларнинг инфекция манбалари кўпайиб кетишига олиб келган. Бу эса нафақат ҳосил камайишига, балки унинг сифати ҳам ёмонлашишига сабаб бўлади. Натижада ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги пасайиб, кўзикоринчилик фойда келтирмайдиган тармоққа айланади.

Бегона микроорганизмлар билан зарарланган блокларда *Pleurotus ostreatus* нинг мицелийси ўсиши бошланғич даврда жуда суст бўлган. Блоклар бегона микроорганизмлар фаолияти таъсирида ўз сифатини йўқотган. Натижада, баъзи пайтда 60% гача блоклар *Pleurotus ostreatus* ни етиштириш учун яроқсиз ҳолга келган ва айрим ҳолларда унинг ўсиши мутлақо кузатилмаган. Субстратли блокларни бегона микроорганизмлардан халос қилишда гидротермик ишлов беришнинг самараси ўрганилган. Субстрат сифатида ишлатилган ғўза чаноғига термик ишлов бериш вегетатив ўсиш ҳолатидаги микроорганизмларни нобуд қилган, аммо иссиқликка чидамли термофил ва шу даврда ҳимояланган спорага эга мезофил микроорганизмларнинг маълум қисмига таъсир қилмаган. Улар субстрат совутилиб, уруғлик мицелий экилгандан кейин яна ўсишни бошлаган.

*Pleurotus ostreatus* нинг мицелийси экилгандан сўнг 4-6 сутка ўтгач, умумий экилган субстратларнинг 18-20% да микромицетлар ривожланиши кузатилган. 9-11-суткада эса айрим блоклар сиртида яшил моғор юзага келиши қайд этилган. *Pleurotus ostreatus* етиштирилган блоклардаги бегона микроорганизмлар орасида таркибида моносахаридлар бўлган озуқа муҳитларида тез ўсувчи сахаролитик замбуруғлардан *Mucor* ва *Rhizopus* туркумларининг турлари қайд этилган. 4-8 кун ўтгач, субстратда оддий қанд моддасининг захираси тугагандан сўнг уларнинг ўсиши тўла тўхтаган.

*Pleurotus ostreatus* нинг блокларидаги субстратда ривожланишига катта хавф туғдирувчи замбуруғ турлари *A.niger*, *A.flavus* ва айниқса *T. viride* турлари ҳисобланади. Улар орасида *T. viride* энг хавфли бўлиб, у целлофан пакетларга

экилган блоклардаги субстратларда уруғлик мицелий экилгандан сўнг 6-8 кун ўтгач пайдо бўлган. Триходерманинг колониялари ўзаро қўшилиб, *Pleurotus ostreatus* нинг мицелийсини сиқиб чиқара бошлаган. Триходерма замбуруғи ривожланган блокнинг бу қисмида *Pleurotus ostreatus* мицелийси ривожланмай қолган. Субстратнинг рН муҳити нордон (кислотали) томонга қараб ўзгарган ва блокдаги ҳарорат кўтарилиши туфайли кўзиқорин мицелийси нобуд бўлиши қайд этилган. Тажриба натижаларидан шу нарса маълум бўлдики, субстратларга гидротермик ишлов бериш усулида *Pleurotus ostreatus* 3 қайтариқда экилган ҳар 100 та блокнинг ҳар бирининг фақат 68,8-76,2% дан ҳосил олишга эришилган.

*T. viride* замбуруғи таркибида целлюлоза ва лигнин бўлган субстратларда осон ўзлаштириладиган озуқалар бўлган тақдирдагина, яъни *Pleurotus ostreatus* кўзиқорини субстратларни парчалаб, муҳитга осон парчаланадиган органик бирикмаларни чиқарган шароитдагина яхши ривожланиши кузатилган.

*Pleurotus ostreatus* ни етиштириш даврида бир қатор зараркунанда ҳашаротлар қайд этилган. Улар кўзиқорин ҳосилини пасайтириш билан бирга унинг сифатига ҳам салбий таъсир қилаган.

Тадқиқотлар натижасида *Pleurotus ostreatus* кўзиқорини етиштириладиган жойларда аниқланган кўзиқорин чивини *Lycoriella* sp. турига мансуб бўлиб, унинг ривожланиши қуйидаги схемада: имаго-тухум-личинка-ғумбак ҳосил қилиб кечиши аниқланган. Ҳароратдан қатъий назар кўзиқорин чивинининг личинкасининг зарар келтирадиган даври ҳашаротнинг умумий ривожланиши циклига нисбатан 76-78% ни ташкил этган. Чивиннинг имаго олди ривожланишидаги энг кўп зарар келтирадиган 4-ёши ҳароратдан қатъий назар энг узун бўлиши билан ажралиб турган.

Личинкалар ривожланишида намликнинг аҳамияти жуда катта эканлиги маълум бўлган. Улар учун энг қулай намлик 55-60% бўлиши аниқланган. Бундан юқори ёки паст намликда уларнинг нобуд бўлиши кузатилган.

Кўзиқорин чивини озуқа сифатида *Pleurotus ostreatus* мицелийсидан ҳам унинг мева танасидан ҳам фойдаланиши мумкин эканлиги аниқланган.

*Pleurotus ostreatus* етиштириладиган хонада кўп тарқалган зараркунандалардан яна иккитаси *Phoridae* оиласига мансуб *Megaselia halterata* ва *M. nigra* кўзиқорин пашшалари ҳисобланади.

Тадқиқотлар натижасида *Pleurotus ostreatus* етиштирилган хонада кўзиқорин пашшаларидан *Megaselia halterata* кўп учраши кузатилган. Унинг ривожланиши цикли қуйидаги схемада: имаго-тухум-личинка-ғумбак ҳосил қилиб кечиши аниқланган. Уларнинг зарари кўзиқорин чивинига нисбатан камроқ эканлиги маълум бўлган.

*Pleurotus ostreatus* ни етиштириш даврида қайд этилган касалликлардан бактерия ва замбуруғлар кўзғатадиган касалликлар кўп учраган. Бундай касалликлардан кўп тарқалгани *Pseudomonas tolaasii* бактерияси кўзғатадиган касаллик эканлиги аниқланган. *Pleurotus ostreatus* етиштирилган хонада *P. tolaasii* бактерияси билан зарарланган мева таналарининг қалпоқчаларида

юмалоқ ёки бошқа шаклдаги, ботик, ҳўл доғлар ҳосил бўлиши кузатилган. Касаллик атрофига тез тарқалган. Бактериоз ривожланишига ҳаво намлиги юқори бўлиш ва ҳаво яхши айланмаслиги сабаб бўлиши аниқланган.

*Pleurotus ostreatus* кўзикаринининг кенг тарқалган касалликларидан яна бири *Verticillium fungicola* var. *fungicola* замбуруғи кўзғатадиган куруқ чириши касаллиги ҳисобланади. Агар касаллик ўз вақтида аниқланиб, керакли кураш чоралари қўлланилмаса, 2-3 ҳафта ичида ҳосилнинг катта қисми йўқотилади. Зарарли организмлардан *Pleurotus ostreatus* ни ҳимоя қилиш тизими ўз ичига профилактик ва бутунлай йўқ қилиш комплекс тадбирларини олади. Биринчи гуруҳ тадбирларига ташкилий-ҳўжалик, санитар-гигиеник, агротехник тадбирлар, иккинчи гуруҳга эса кимёвий ва микробиологик чоралар киради.

*Pleurotus ostreatus* ни етиштиришда бегона микроорганизмлар ва касалликлардан ҳалос бўлишнинг энг самарали усули санитар-гигиеник чоралар эканлиги бир қатор тадқиқотчилар томонидан исботланган. Бунда санитар-гигиеник талабларни бажариш ва барча ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган хоналар, йўлаклар ва ишчи воситалар ҳамда курулларига кимёвий препарат билан ишлов бериш назарда тутилади. Кўп ҳолларда дезинфекция қилиш учун водород пероксид препарати қўлланилган. Шу сабабли водород пероксида билан дезинфекция қилишнинг зарарли микроорганизмларга таъсири бўйича тадқиқотлар амалга оширилган.

Кўзикарин етиштириладиган хоналарни дезинфекция қилиш учун ишлатиладиган водород пероксидининг 6% ли концентрацияси қўлланилган вариант энг яхши кўрсаткичларни намоён қилган. *Pleurotus ostreatus* ни етиштиришда ишлатиладиган субстратларни бегона микроорганизмлар ва касалликлардан холи қилишда фунгицидлар яхши натижа берган. Шу сабабдан *Pleurotus ostreatus* ни етиштириш учун олинган субстрат – ғўза чаноғини Споргон ва Фундазол фунгицидларининг турли концентрациялари билан ҳимоя қилиш усули синовдан ўтказилган. Назорат сифатида ғўза чаноғига гидротермик ишлов берилган вариант олинган. Споргон ва Фундазол билан ишлов берилган ғўза чаноғидан иборат субстратда *Pleurotus ostreatus* нинг мицелийси ривожланиши фунгицидлар таъсирида назоратга нисбатан секинлашган. Лекин 7 суткадан кейин 0,02% Споргон ва Фундазол билан ишлов берилган субстратларда мицелий ривожланиши назорат вариантыга яқинлашган. 0,01% Фундазол қўлланилган вариантлар бегона микроорганизмлар билан ифлосланганлиги туфайли блокларнинг оқариши 15 суткадан кейин 25 ва 30% бўлганлиги кузатилган. Ғўза чаноғига 0,03% Споргон ва Фундазол билан ишлов берилган вариантда фунгицидлар туфайли *Pleurotus ostreatus* нинг ривожланиши секинлашди ва 15 суткадан сўнг блокларнинг оқариши 82% ва 79% бўлди. Тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлганки, гидротермик ишлов беришга қараганда иқтисодий жиҳатдан яхши кўрсаткичларни намоён қилган 0,02% Фундазол билан субстратга ишлов бериш тавсия этилан. Бундан ташқари, стерилликка тўлиқ риоя қилинса, бундай ишлов бериш туфайли субстратда бегона микроорганизмларнинг ривожланиши

деярли тўла тўхташи аниқланган ва етиштириш даврида кўзиқорин касалликлари қайд этилмаган.

*Pleurotus ostreatus* ни етиштириш даврида унинг ривожланиши ва ҳосилдорлигига сезиларли даражада таъсир этадиган зараркунандалардан кўзиқорин чивини ва пашшасига қарши субстратга қўшилган Димилин инсектицидининг турли концентрациялари синаб кўрилган.

Субстратга препарат қўшилмаган назорат вариантыда кўзиқорин чивини билан чиғаноқ кўзиқоринининг мева таналари зарарланиши 39,8% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Димилин препарати 2 г меъёрида қўлланилган вариантда 16,8% ни, 4 г қўлланилган вариантда 13% ни, 6 г қўлланилган вариантда эса 12,7% ни ташкил этган. Субстратга Димилин препарати қўшилмаган (назорат) вариантда кўзиқорин чивини билан зарарланган *Pleurotus ostreatus* блокларида 100 кг субстратдан ўртача 60,2 кг дан ҳосил олинган. Бу кўрсаткич субстратга 2 г Димилин препарати қўшилган вариантыда 68,4 кг, 4 г қўшилган вариантыда 71,8 кг ва 6 г қўшилган вариантыда 72,0 кг бўлган. Назоратга нисбатан сақлаб қолинган ҳосил 2 г Димилин препарати ишлатилган вариантда 13,6%, 4 г да 19,3%, 6 г да 19,6% га тенг бўлди. Биологик самарадорлик мос равишда 57,7%, 67,3% ва 68,2% ни ташкил этди. 100 кг субстратга 4-6 г Димилин препаратини қўшиш энг самарали бўлиб, блоklar кўзиқорин чивини ва пашшаси билан зарарланишини камайтириб, кўзиқорин ҳосили ошишига олиб келган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Тошкент вилояти ва шаҳри ҳудудидаги терак, тол, тут, қарағай, заранг дарахтларининг қуриган тўнкаларидан *Pleurotus ostreatus* турига мансуб 27 та замбуруғ штаммларининг соф культуралари орасидан кўп спора селекцияси усули ва ультрабинафша нуруни таъсир эттириш усули орқали маҳаллий шароитга мос 12 штамм ажратиб олинган.

2. *Pleurotus ostreatus* нинг уруғлик мицелийсини етиштириш учун ғўза чигити шелухаси самарали ва технологик талабларга жавоб берадиган субстрат сифатида танлаб олинган ҳамда уруғлик мицелийсини етиштириш учун 25°C ҳарорат, мева нишонларини ҳосил қилиши учун эса 15°C ҳарорат ва ҳавонинг нисбий намлиги 85% бўлиши энг қулай эканлиги аниқланган.

3. *Pleurotus ostreatus* нинг уруғлик мицелийсини зарарловчи 13 та турга мансуб бўлган бегона микроорганизмлар ҳаводан ажратиб олинган ҳамда уруғлик мицелий ўсиши ва ривожланишини *T. viride*, *A. Niger* ва *A. flavus* замбуруғ турлари тўхтатиши кузатилган ҳамда бу бегона микроорганизмлардан халос бўлишда дезинфекция воситаси сифатида 6% ли водород пероксидини қўллаш энг яхши кўрсаткични намоён қилган ва унинг биологик самарадорлиги 80,6% га тенг бўлган.

4. Республика шароитида *Pleurotus ostreatus* ни етиштиришда субстрат асосининг 90% ни ғўза чаноғи ёки ғўза чигити шелухаси, кўшимча сифатида

эса 10% буғдой дони кепаги ташкил қилган субстратларни ишлатиш энг самарали эканлиги аниқланган.

5. *Pleurotus ostreatus* ни етиштириш даврида катта хавф туғдирувчи ва ҳосилнинг кўп қисмини йўқотувчи *A. niger*, *A. Flavus* ва *T. viride* турлари эканлиги аниқланган. Улар орасидан *T. Viride* ҳароратнинг ва рН муҳитининг кенг диапозонида ривожланишга мослашганлиги ҳамда кислороди кам, юқори намликда ҳам яхши ўсиш хусусиятига эга эканлиги маълум бўлган.

6. Кўзиқорин етиштириш даврида *Pleurotus ostreatus* нинг *Pseudomonas ttolaasii* бактерияси, *Verticillium fungicolavar. fungicola* замбуруғлари кўзғататадиган касалликлар энг кўп зарар етказиши кузатилган.

7. *Pleurotus ostreatus* ни етиштиришда ҳосилни пасайтирадиган ва унинг сифатига салбий таъсир қиладиган кенг тарқалган зараркунандалари кўзиқорин чивини (*Lycoriella solani*) ва кўзиқорин букри пашшаси (*Megaselia* sp.) эканлиги аниқланган.

8. *Pleurotus ostreatus* нинг бегона микроорганизмлари ва касалликларига қарши барча санитар-гигиеник талабларни бажариш билан бирга дезинфекция қилиш учун водород пероксидини қўллаш ҳаводаги микроорганизмлар сонини камайтирган, субстратга 0,02% концентрацияли Фундазол 500 г/кг, н.кук. билан экишдан олдин ишлов бериш кўзиқорин блокларининг бегона микроорганизмлар ва касалликлар билан зарарланишининг олдини олган ва уни қўллаш туфайли ҳар 100 кг субстратдан 11,5 кг ҳосил сақлаб қолинган ҳамда 51608 сўм соф фойда олинган.

9. Чиганоқ кўзиқоринининг энг кўп тарқалган зараркунандаси – кўзиқорин чивинига қарши Димилин 25% нам.к. инсектициди 6 г қўлланилганда 11,8 кг ҳосил сақланиб қолинган, соф фойда 51400 сўм бўлган. Бир сўм харажат қопланиши 7,6 мартани ташкил этган.

10. Рентабеллик бўйича энг яхши кўрсаткич намоён қилган, таркибида 90% ғўза чаноғи ва 10% буғдой кепаги бўлган субстратда *Pleurotus ostreatus* етиштирилганида 100 кг субстратдан олинган ҳосил 77,5 кг ни, соф фойда 262500 сўмни ва рентабеллик 210,0% ни ташкил қилган, назоратга нисбатан энг яхши натижа олинган бу вариантда ҳосилдорлик 2,38 баробар юқори бўлиши аниқланган.

11. *Pleurotus ostreatus* истеъмол замбуруғини экиш учун уруғлик мицелийсини етиштиришда субстрат сифатида республика шароити учун энг самарали ва технологик талабларга жавоб берадиган ғўза чигити шелухасини ишлатиш тавсия этилади.

12. *Pleurotus ostreatus* замбуруғини истеъмол учун етиштиришда хомашё сифатида республикада пахтачиликка ихтисослашган барча фермер хўжаликларидан топиш мумкин бўлган ва иктисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган ғўза чаноғи ва ғўзапоясидан фойдаланиш тавсия қилинади.

13. *Pleurotus ostreatus* нинг бегона микроорганизмлари ва касалликларига қарши барча санитар-гигиеник талабларни бажариш билан бирга дезинфекция

қилиш учун водород перексидининг 6% концентрациясини қўллаш, субстратга экишдан олдин 0,02% ли Фундазол билан ишлов бериш тавсия этилади.

14. Қўзиқорин зараркунандаларидан қўзиқорин чивини ва пашшасига қарши 100 кг субстратга Димилин, 25% н. кук. препаратидан 4-6 г қўшиш тавсия қилинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 27.06.2017. Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**РАХМОНОВ УБАЙДИЛЛО НОРМАМАДОВИЧ**

**КУЛЬТИВИРОВАНИЕ *PLEUROTUS OSTREATUS* (Jacq.: Fr.) Kumm.И  
ЕГО ЗАЩИТА ОТ ВРЕДИТЕЛЕЙ И БОЛЕЗНЕЙ В УСЛОВИЯХ  
УЗБЕКИСТАНА**

**06.01.06 - Овощеводство  
06.01.09 – Защита растений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ -2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.3.PhD/Qx184.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Гулмуродов Рискибай Абдиевич</b> доктор сельскохозяйственных наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Буриев Хасан Чутбаевич</b> доктор биологических наук, профессор
	<b>Исомиддинов Ильхом Тулаевич</b> кандидат сельскохозяйственных наук
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Научно-исследовательский институт овощебахчевых культур и картофеля</b>

Защита диссертации состоится «19» июня 2018 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc. 27.06.2017. Qx. 13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 700140, Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 этаж, конференц-зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером № 535258). Адрес: 700140, Ташкент, ул. Университетская, 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра Тел.: (99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан «5» июня 2018 года.  
(Реестр протокола рассылки № 22.1 от «19» мая 2018 года)

**Б.А.Сулаймонов**

Председатель Научного совета по присуждению учёной степени, д.б.н., академик

**Я.Х.Юлдашов**

Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёной степени, к.с/х.н., доцент

**М.М.Адилов**

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёной степени, д.с/х.н.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Увеличение количества населения земного шара в настоящее время приводит к повышению потребности у людей к пищевой продукции и сырью. Поэтому, на сегодняшний день актуальной проблемой становится необходимость поиска технологий, отрицательно не влияющих на окружающую среду. Одной из таких технологий является культивирование съедобных грибов на отходах сельскохозяйственных растений.

В развитых зарубежных странах грибоводство выделено в качестве отдельной отрасли сельского хозяйства. В мире около 20 видов съедобных грибов, считающихся нетрадиционными овощными культурами, интенсивно размножаются искусственным методом на промышленной основе, а объём их культивирования в год достигает более 30 млн. тонн. Среди них интенсивно культивируется *Pleurotus ostreatus* – вешенка обыкновенная, или устричная в количестве 6 млн. тонн<sup>1</sup>. На сегодняшний день в ведущих научных центрах проводятся научные исследования по разработке современной технологии культивирования грибов и созданию новых штаммов.

Проводятся широкомасштабные мероприятия по обеспечению продовольственной безопасности населения, полное удовлетворение потребности в овощных культурах и расширению ассортимента овощных культур. В Указе Президента РУз “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям 2017-2021 годы” предусмотрено последовательное развитие сельскохозяйственного производства; дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение научно-исследовательских работ по внедрению в производство сельскохозяйственных культур, устойчивых к болезням и вредителям, приспособленных к местным почвенно-климатическим и экологическим условиям. В связи с этим, изучение биологии *Pleurotus ostreatus*, а также выделение перспективных штаммов для нетрадиционного овощеводства в защищённом грунте, создание технологии культивирования в местных условиях, определение вредителей, болезней и разработка мероприятий по борьбе с ними является одной из актуальных задач.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-5308 от 22 января 2018 года “О диверсификации производства сельскохозяйственной продукции, обеспечении продовольственной безопасности страны через повышение урожайности сельскохозяйственных культур”<sup>2</sup>, а также других нормативно-правовых документах, касающихся данной деятельности.

---

<sup>1</sup> Wuet al. Analysis on Chinese edible fungus production area layout of nearly five years. *Edible Fungi China*, 2013, № 1

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5308 от 22 января 2018 года

**Степень изученности проблемы.** Исследования в области изучения морфологии, биологии и по культивированию *Pleurotus ostreatus* проводились рядом учёных в таких странах, как Китай, США, Голландия, Польша, Испания, Франция, Италия, Канада, Япония, Германия, Россия: G. Eger, P. Gyurko, L. Heltay, P. Kalberer, S.F. Li, A. Pilat, R. Singer, F. Zadrazil, Н.А. Бисько, Л.В. Гарибова, И.А. Дудка и П.А. Сычев. Из данных литературных источников видно, что в зарубежных странах проведено огромное количество работ по разработке технологии производства *Pleurotus ostreatus*.

